Е8
А.15

"Ҳарбий спорт ва спорт ускуналари фанидан"

# Ўқув услубий комплекс



Бухоро 2009

68
Я.15

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Махсус тайёргарлик» цикли

«Ҳарбий спорт ва спорт ускуналари»
фанидан

# Ўқув услубий комплекс

Билим соҳаси: 100000 - таълим
Таълим соҳаси: 140000 - Ўқитувчи тайёрлаш ва педагогика фани

Бакалавриат йўналишлари: «Ҳарбий спорт ва спорт ускуналари»
5141200 - Чақириққача ҳарбий таълим

45 73/36
ABONEMENT № 2

БУХОРО - 2009

## АНАТАЦИЯ

Ушбу дастур 5141200 – ЁЧҚБТ таълим йўналишига мўлжалланган бўлиб, талабаларга харбий спорт ва спорт иншоотлардан системали билимлар бериш ва спорт иншоотларини таълим йўналишидаги мухим ўрни ҳақида маълумотлар берилади. Бу фан орқали таълим йўналишининг барча фанларга фундамент сифатида рол ўйнайди.

Ҳарбий – спорт иншоотлари фанини ўрганишда маъруза, жойларда Амалий машғулотлар жараёнида ва талабаларнинг мустақил ишларидан иборат бўлади.

Дастурдаги материалларни ўрганишда бошланғич чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш бўйича талаблар, олий мажлис қарорларини тўғри тушинишларига эришиш зарур.

**Тузувчи:** Бухоро Давлат Университети
Ҳарбий факультети ўқитувчиси
майор Абдуллаев Йулчи Зияевич

**Тақризчилар:** Л.Б.Икромов – Ҳарбий факультет катта укитувчиси

## КИРИШ

Ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига хизматга тайёрлашда ўқув муассасаларда ўқув – моддий базани яхшилаш зарур. Маъруза курси талабаларнинг харбий – спорт иншоотларини ишлатилиши, лойиҳалаштириш, қурилиши, билимлари асоси,ҳамда маҳоратини ташкили, бошланғич чақириққача тайёргарлик ўқитувчиси мажбуриятини, педагогик фаолиятини бажариши учун йўналтирилиши зарур. Маъруза ўқув муассасаларида тарбия ва гигиена талаблари билан боғланган бўлиши шарт.



Амалий машғулотлар ўқув гурухлар билан Ҳарбий спорт иншоотлари, Олий ўқув юртлари, ўрта ўқув муассасалари, маҳаллий гарнизон ҳудудида олиб борилади. Ҳар – бир амалий машғулотга талаблар кафедра томонидан ишлаб чиқилган топшириқ орқали олинади.

Машғулот зарур меъёрий – техник ҳужжатлар, адабиётлар ва ўқув моддий базаси моделлари билан таъминланади. Амалий машғулот давомида (топшириқлар ишлаб чиқади) иншоот ва майдонни лойиҳалаштириш режалари, эскиз ва ўқув жойлари элементлари моделлари топшириқлари ишлаб чиқади. Ҳар хил материаллар ва иш ҳажмининг хисоб талабини бажариш;

Иншоот элементлари ва жиҳозлари ўрнатиш, ишончлилиги, спорт инвентарлари муддати анализ қилинади;
Тирлар, майдонлар, шаҳарчалар, тўсиқлар йўлаги, кросс ва марш бросок ўтказиш жойларини танлаш, граната улоқтириш жойи жойлашиши режалаштирилади; қурилиш ишлари кетма-кетлиги аниқланади. Амалий машғулотлар учун жой кафедра томонидан аниқланади.

Талабаларнинг мустақил иши тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва кафедра топшириғини бажариши мустақил тайёргарлик соати сингари дарсдан ташқари вақтда олиб борилади. Курс якунида объектларни ишлатишда Ҳавфсизликни таъминлаш тадбирларини олиб бориш, қурилиш ишларини объектларни аниқлаш, ҳисобларни олиб бориш, махсус адабиётлардан фойдаланишни билиш, Ҳарбий спорт иншоотлари ва уларни ишлатишга талаблар ва лойиҳлаштиришнинг асоси ҳақида талабаларнинг билимлари текширилиб баҳоланади.

Дастур Бухоро Давлат университетининг илмий – методик кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиққа тавсия этилган.

2009 йил «___»___________ даги __ сонли мажлис баёни

*Buxoro davlat universiteti «Ziyo Rizograf»*
*ishlab chiqarish korxonasida chop etildi. Buyurtma №91*
*Adadi 100 nusxa. Buxoro shahri M.Iqbol ko`chasi, 11-uy*